

# ЯҚҚАСАРОЙДА БИР ЧИЛАНГАР БОР...



Авария содир бўлган манзилни дафтарга қайд қилган диспетчер тезда навбатчи ишчилар хонасига йўналди. Бу вақтда соат миллари 2:00ни кўрсатар, диспетчернинг қадам товушидан сергак тортилар. Ишчи гурӯҳи бригадир бошчилигида айтилган манзилга қисқа фурсатда етиб боришди ва ўз вақтида муаммони бартараф этишди.

“Нифмат ака билан навбатчилигимиз teng келиб қолиши қандай яхши! Биринчидан, хуш ёр ва топшириқقا вижданан ёндашади. Қолаверса, шу кунгача у киши билан кечган навбатчилигимизда бирор марта орқамиздан шикоят тушмаган”,

хаёлидан ўтказди диспетчер.

Ха, қорачадан келган бу киши нафақа ёшида бўлса-да, тетик ва зийрак. Эҳ-хе, оқова сув хизматларига ишга келганига ҳам салкам йигирма йил бўлиби. Ўтган йиллар мобайнида Яккасарой ва Миробод туманинда Нифмат ака бормаган, таъмирламаган кўча қолмапти...

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган Нифмат ака Аҳмедов оиласида тўнгич фарзанд бўлиб, ёшлигида ука ва сингиллари корига ярашда отонасининг ишонган тоғи эди. Ишдан қочмаслиги, тиришқоғлиги сабаб, мактабнинг 8-синфини битиргач, Чилонзор тума-

**- Алло,  
“Сувсоз”Яккасарой  
филиалими?  
- Ассалому алайкум!  
Ҳа, сизни навбатчи-  
диспетчер Зайниддин  
Саидходжаев эшишади.**

**Ярим кечаси  
жиринглаган телефон  
қўнғироғидан навбатчи  
сергак тортиди.  
Диспетчернинг шириң  
муомаласидан фуқаро  
гапини бошлашдан  
олдин салом  
бермаганидан бироз  
хижолат тортгани  
овозидан сезилиб  
туради.**

**- Кечирасиз, “Қорақум”  
даҳасидаги 2-тор кўча  
муюлишида сув тошиб  
ётибди...**

нидаги 63-касб-хунар мактабига ўқишига қабул қилишди. Сувоқчиликдан тортиб бўёқчиликкача бўлган қурилиш соҳасининг яхши мутахассиси бўлиб етишган йигит онаси танлаган қизга уйланди ва эр хотин 1982-1983 йилларда Яккасарой туманидаги керамика ишлаб чиқариш заводида иш бошлашди. Билсангиз, ўша вақтларда заводда оиласиий ишлайдиган ишчиларга уй-жой бериларди. Улар оиласида бирин-кетин фарзандлар дунёга келди. Саккиз йилга яқин завод ётоқхонасида турган ёш оиласи Сергели йўлидаги Хонобод тарафдан уй қуриш учун ер беришди. Бу вақтга келиб заводда ишлар тўхтаб қолган, ойлаб чўзиладиган маош ишчиларнинг тинкасини қуритарди...

Уч фарзанди ейман-ичаман деб турган Нифмат ака ҳозирги ишхонаси – Тошкент шаҳар “Сувсоз” Яккасарой бўлимига чилангар сифатида ишга кирди.



Ахолининг тинч, фаровон яшаши йўлида хизмат қиласидан, биз кўпинча эътибор беравермайдиган шундай касб борки, уларни хайр-саховат эгалари деб атагим келади. Улар, вақти келса, қишнинг аёзли кунлари-ю, саратоннинг жазирамасида ўз вазифасини бижарарадиган инсонлар - канализация таъмирловчилариdir.

Ниғмат ака Аҳмедов ана шундай фидойи инсонлардан бири. Канализация кувурларини таъмирлаш, керак бўлса, кувурларни ётқизиш ишларида моҳир чилангар авария содир бўлган жойда ишни қандай ташкиллаштириш, кўча бўйлаб оралиқ масофаси 25-30 метр бўлган люк-кудуқларнинг қайси бири орқали муаммони ҳал этиш мумкинлиги бўйича ўз ишининг устаси.

- Бизга биринтирилган худудда суткасига камида 3-10 тагача аврия содир бўлади. Баъзан бир жойга бир ойда уч мартагача борган кунларимиз бўлган. Авариянинг содир бўлиши, аксари ҳолларда фуқароларнинг ичимлик суви ва канализация тармоқларидан фойдаланиш маданиятининг пастлигидадир, - дейди қаҳрамонимиз. - Ишонасизми, орамизда шунаقا одамлар борки, тарвуз еса, пўчоғини унитазга ташлайди, вақти келса, чақалоқларнинг бир марталик тагликларини амаллаб канализацияга тиқишиди. Сиз ўйламанг, тошиб ётган люкни бошقا люкдан сим тиқиш орқали ҳал этилади деб, очиғи, бадбўй, кўнгилни оздирадиган, инсон боласи ижирғанадиган оқова сувга қўлимизни тиқиб, ўша одамлар

ахлатхонага элтишга эриниб, канализацияга улоқтирган рўзфордан чиқсан чиқиндиларни тозалаймиз. Ишимизнинг қоидаси шунаقا - жиркандингизми, ишлай олмайсиз! Жамоамизга қанча-қанча йигитлар ишга келишади. Чидаганигина ишлаб кетади.

Чилангарнинг гапи айни ҳақиқат. Қолаверса, люкларда ахлатлардан ҳосил бўлган заҳарли газ бўлади. Ишчи воқеа содир бўлганда люк қопқоғини очиб, кудукқа маҳсус лампа туширади. Агар лампа ўчиб қолса, демак, бу жойда инсон миясини ўттиз сонияда фалажлайдиган газ мавжуд бўлади.

Канализация трубаси тешилдими, яна бир сабаби, чукур томир отган дараҳт илдизлари ҳам бўлиши мумкин. Энди ишчи маҳсус болта билан илдизларни чопиши керак. Сув ичидаги қолган труба тешиги маҳсус ёпишқоқ елим билан ямалади. ЗИЛ, КО-Камаз маҳсус транспортлари ҳам бўлиб, юз атмосферада сувни кучли босим остида уриб, ишчилар уddeлай олмаган ишни охирига етказади. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун ишчи бақувват, соғлом ва чаққон бўлиши шарт.

Ниғмат ака Аҳмедов ишхонасида "устоз-шогирд" анъанаси тўғри йўлга қўйилган. Етук чилангар ўтган давр мобайнида малакали шогирдлар тайёрлади. Тенгқури Фофур ака билан биргалиқда Файзуло, Жавоҳир

каби ёш ходимларга иш ўргатишишмоқда. Шуҳрат Маҳмудов раҳбарлигидаги Шуҳрат Холматов бригадаси намунали жамоа бўлиб шаклланди.

Ниғмат аканинг иши пишиқлиги учунми, ойда бир-икки марта қўшни туманларга ҳам ёрдамга чақириб туришади. Уста бунга кўникиб ҳам кетган. Бирор марта ишдан қочмай, ҳар бир топшириққа "лаббай" деб жавоб бериши устозлари Баҳодир ака, Зоир ака ва Султон акалардан ўтган бўлса, ажабмас...

Ҳавас қилса арзигулик, маҳаллада намунали оила саналадиган бир хонадоннинг бошлиги гулдай уч фарзандни ўстириб, эл қаторига қў shedi. Икки ўғли Нуридин ва Отабек бугунги кунда отаси билан бир жамоада фаолият юритмоқда, тажрибали диспетчерлардан. Ягона қизи Ширин эса тумандаги клиникаларнинг бирида ҳамшира. Суяги меҳнатда қотган Ниғмат ака Гулнора опа билан бирга шириндан-ширин олти набиралар ардоғида.

Ниғмат ака саксонни қоралаётган отасини йўқлаб туришни канда қилмайди. Ота ҳар гал ўғли йўқлаб келганида нафақа ёшига етиб қолган боласининг елкасига қоқиб: "Ризқинг бутун, мартабанг улуф бўлсин!" - деда алқайди. Зоро, ота дуосини олиб барака топган инсон кам бўлмайди.

## Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ

